

Фарзанд тарбияси (7-дарс)



17:48 / 02.12.2017 3733

Рамазон ойининг бошланишига бир неча кун қолган. Дарс аввалида ота: «АЛЛОҲга ҳамд, Расулulloҳга саловоту саломлар бўлсин. Фарзандларим, сўзимни сизлардан бир савол сўраш билан бошлайман. Ҳозир биз ҳижрий ойлардан қай биридамиз?» деди.

Маҳмуд: «Ҳозир биз Шаъбон ойидамиз, отажон!» деди.

Ота: «Яхши, Маҳмуд», деди.

Фотима: «Ҳижрий ойлар дегани нима, отажон?» деди.

Ота деди: «Арабий ойлар **Муҳаррам, Сафар, Робийъул аввал, Робийъул ахир, Жумадул аввал, Жумадул ахир, Ражаб, Шаъбон, Рамазон, Шаввол, Зул қаъда, Зул ҳижжа** ҳижрий ойлардир».

Маҳмуд: «Иншааллоҳ, ҳижрий ойларни тартиб ила ёдлаб оламан», деди.

Ота деди: «Фарзандларим, бир неча кундан сўнг муборак Рамазон ойи кириб келади. Рўза тутиш ва таровиҳ намози ўқиш ойи... Қуръон, яхшилик ва эҳсон ойи.

Эй фарзандларим! Бу ойда АЛЛОҲ набиййимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръонни нозил қилган. Шунинг учун ҳам бу ойда

Қуръон қироатини, таровиҳ намози, садақа, яхшилик ва эҳсонга ўхшаш ибодатларни кучайтирамиз. Рамазон ойида рўза тутиш Ислом асосларидан тўртинчисидир. Рамазон рўзасини ҳар йили тутамиз. **Рўза - бу ейиш ва ичишдан тонг вақтидан қуёш ботгунча четланишдир.** Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **“Рўза ва Қуръон қиёмат куни бандани шафоат қилур”.**

(Имом Аҳмад ривояти.)

Маҳмуд: «Шафоат қилурлар» деганининг маъноси нима, отажон?» деди.

Ота: «Рўза, Қуръон... қиёмат куни келадилар. Улар икки тур инсонларни ҳимояга оладилар: рўзадорлар ва Қуръонни кўп қироат қилувчиларни. Бу иш барча айбу нуқсонлардан пок ва улуғ бўлган АЛЛОҲнинг ҳузурида бўлади. Улар У Зотдан рўза тутганлари ва Қуръони қариймни ўқиганлари учун мукофот сифатида уларнинг жаннатга киритилишини сўрайдилар», деб жавоб берди.

Фотима деди: «Мен бу йил рўза тутишга ҳаракат қиламан, отажон, лекин...».

Ота: «Лекин нима, Фотима?» деди.

Фотима: «Лекин очлик ва чанқоққа қуёш ботгунча сабрим чидамайди-да, отажон!» деди.

Ота: «Эй Фотима! Рўза ҳар бир балоғатга етган оқил мусулмон учун фарз. Сен эса, суюқлигим, ҳали кичкинасан. Лекин ҳозирдан ўзингни рўза тутишга тайёрласанг бўлади, кичкинтойим. Масалан, пешин ёки аср вақтигача таом ва ичимликдан ўзингни тийиб туришинг мумкин. Шу йўсинда катта бўлганингда рўза тутишга тайёр бўласан», деди.

Маҳмуд: «Отажон, Рамазон ойи биринчи марта кўринаётганда унга шоҳид бўлишга, яъни кўришга ҳаракат қиламан. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам янги ойни кўрганда нима дейишни ўргатганлар?» деди.

Ота: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам янги ойни кўрганда (ойга қарата): **“Аллоҳим, уни бизга омонлик, иймон, саломатлик ва (Ислом) тинчлик ойи қилгин. Роббим ва Роббинг АЛЛОҲдир”**, дейишни айтганлар», деди.

(Термизий ривояти.)

Маҳмуд: «Отажон, АЛЛОҲнинг гўзал исмларидан қайсиларини бугун ёдлаймиз?» деди.

Ота: «АЛЛОҲнинг гўзал исмларидан **Аҳад** (яккаю ягона, Унга ўхшаш йўқдир), **Тойиб** (ўта яхши, яхшилигининг чегараси йўқ), **Ваарис** (бутун борлиқ йўқ бўлса ҳам, боқий қолувчи), **Шаҳид** (ҳар нарсага гувоҳ бўлиб турувчи), **Жаввад** (саҳийликда тенги йўқ, марҳаматли) бор.

Шу ерда бугунги дарсимиз тугади, фарзандларим», деди.

Абу Абдураҳмон